

**ВЛИЯНИЕ НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ И РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ
НА ВЫСОТУ, ОБЩУЮ И ПРОДУКТИВНОСТЬ СТЕБЛЕЙ ОЗИМОЙ
ТВЕРДОЙ ПШЕНИЦЫ**

Қодиров Одилжон Саламжонович
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

**EFFECT OF MINERAL FERTILIZER RATES AND IRRIGATION REGIMES ON
HEIGHT, TOTAL AND PRODUCTIVE STEM NUMBER OF WINTER DURUM
WHEAT**

Qodirov Odiljon Salamjonovich
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies is
an independent researcher

**МАЪДАНЛИ ЎЎИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ
КУЗГИ ҚАТТИҚ БУҒДОЙНИНГ БЎЙИ, УМУМИЙ ВА МАҲСУЛДОР ПОЯЛАР
СОНИГА ТАЪСИРИ**

Қодиров Одилжон Саламжонович
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил изланувчи

Аннотация

В условиях древнеорошаемых пастбищных почв Андижанской области изучены требования твердой пшеницы к росту, общему и продуктивному числу стеблей, нормам минеральных удобрений и режимам орошения с целью получения высоких и качественных урожаев зерна. озимая твердая пшеница.

Abstract

The demand for mineral fertilizer standards and irrigation procedures for the height, total and number of productive stalks of durum wheat in growing high and quality grain crops from winter durum wheat in the conditions of long-irrigated meadow soils of Andijan region was studied.

Аннотация

Андижон вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги қаттиқ буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда қаттиқ буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига маъданли ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибларига бўлган талаби ўрганилди.

Ключевые слова: Продуктивные стебли, влажность почвы перед поливом по НДС, высота растений, нормы минеральных удобрений.

Keywords: Productive stems, pre-irrigation soil moisture to ChDNS, plant height, mineral fertilizer rates.

Калит сўзлар: Маҳсулдор поялар, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга, ўсимликларнинг бўйи, маъданли ўғитлар меъёрлари.

КИРИШ

Мълумки, буғдой ўсимлигининг ҳосилдорлигига бўйи, умумий ва маҳсулдор пояларнинг таъсири бениҳоя катта бўлиб, бу ўсимликнинг маъданли ўғитлар билан озиқлантиришга ҳамда суғориш тартибига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Бизнинг 2016–2019 йилларда олиб борган тадқиқотларимизда ҳам юқоридаги фикрлар ўз исботини топгани ҳолда, вариантларда парваришланаётган ўсимликларнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, (2016–2017 йй.) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% бўлганида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 1–вариантда парваришланаётган кузги қаттиқ буғдой ўсимлиги таҳлил қилинганда, амал даври охирига (25.05) бориб, ўсимлик бўйи 69,5 см. ни, умумий поялар сони 489,4 дона/м² ни, маҳсулдор поялар сони 403,3 дона/м² ни ташкил этиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати 82,4 фоизга тенг бўлган бўлса, маъданли ўғитларнинг N150P105K75 кг/га меъёрлари қўлланилган 2–вариантда кузги қаттиқ буғдой ўсимлигининг бўйи амал даври охирига (25.05) бориб, 76,3 см. ни, умумий поялар сони 534,5 дона/м² ни, маҳсулдор поялар сони 443,6 дона/м² ни, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати 83,0 фоизни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 1–вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 6,8 см. га, умумий поялар сони 45,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 40,3 дона/м² га, умумий пояларга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбати 0,6% га юқори бўлганлиги кузатилди.

Ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N200P140K100 ва N250P175K125 кг/га меъёрлари қўлланилган 3–4 вариантларда парваришланаётган ўсимликлар устида кузатув таҳлиллариимизни олиб борганимизда эса, амал даври охирига (25.05) бориб, ўсимлик бўйи ўртача 79,9–82,6 см. ни, умумий поялар сони 591,2–643,3 дона/м² ни, маҳсулдор поялар сони 495,4–536,5 дона/м² ни ташкил этиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати 83,8–83,4 фоизни кўрсатиб, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 1–вариантга нисбатан

ўсимликнинг бўйи 10,4–13,1 см. га, умумий поялар сони 101,8–153,9 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 92,1–133,2 дона/м² га, умумий пояларга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбати 1,4–1,0% га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60% бўлганида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 5–вариантда амал даври охирига (25.05) бориб, кузги қаттиқ буғдой ўсимлигининг таҳлил қилинганда, бўйи ўртача 72,0 см. ни, умумий поялар сони 515,6 дона/м² ни, маҳсулдор поялар сони 427,4 дона/м² ни ташкил этиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати 82,9 фоизни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитларнинг N150P105K75 кг/га меъёрлари қўлланилган 6–вариантда, кузги қаттиқ буғдой ўсимлигининг бўйи 79,7 см. ни, умумий поялар сони 565,0 дона/м² ни, маҳсулдор поялар сони 472,3 дона/м² ни, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати эса мос равишда 83,6 фоизни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 5–вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 7,7 см. га, умумий поялар сони 49,4 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 44,9 дона/м² га, умумий пояларга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбати 0,7% га юқори бўлганлиги аниқланди.

4.12–жадвал Қаттиқ буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири, 2016–2017 йй.

4.12–жадвал Қаттиқ буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири, 2016–2017 йй.

№	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Минерал ўғитлар йиллик миқдори, кг/га	Ўсимликнинг бўйи, см			Умумий поялар сони, дона/м ²	Маҳсулдор поялар сони, дона/м ²
			1.04	1.05	25.05		
1	60–70–60	N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀	36,7	64,8	69,5	489,4	403,3
2		N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	38,0	69,6	76,3	534,5	443,6
3		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	39,2	71,4	79,9	591,2	495,4
4		N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	40,1	72,2	82,6	643,3	536,5
5	70–70–60	N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀	37,6	67,0	72,0	515,6	427,4
6		N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	39,2	72,2	79,7	565,0	472,3
7		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	40,5	74,1	83,9	619,4	523,4
8		N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	41,2	74,8	85,0	661,7	555,8

Ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N200P140K100 ва N250P175K125 кг/га меъёрлари қўлланилган 7–8 вариантларда етиштирилаётган ўсимликларда фенологик кузатувлар олиб борилганида, амал даври охирига (25.05) бориб, ўсимлик бўйи ўртача 83,9–85,0 см. ни, умумий поялар сони 619,4–661,7 дона/м²

ни, маҳсулдор поялар сони эса тегишли равишда 523,4–555,8 дона/м² га тенг бўлиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поянинг нисбати 84,5–84,0 фоизни ташкил этгани ҳолда, маъданли ўғитларнинг N100P75K50 кг/га меъёрлари қўлланилган 5–вариантга нисбатан ўсимликнинг бўйи 11,9–13,0 см. га, умумий поялар сони 103,8–146,1 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони 96,0–128,4 дона/м² га, умумий пояларга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбати эса 1,6–1,1 фоизга юқори бўлганлиги кузатилди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ҳар икки суғориш тартибида ҳам бир хил қонуният сақланган ҳолда қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрларини ошириб борилиши умумий ва маҳсулдор поялар сонининг ҳам ортиб боришига хизмат қилган. 2017–2018 ва 2018–2019 йилларда олиб борилган тадқиқотларимизда ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз аксини топганлиги кузатилиб, маъданли ўғитлар меъёрларининг оширилиб борилиши ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонининг ортишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказганлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Ф.Турдиев. Ирригация эрозиясига учраган майдонларда минерал ўғитларни табақалаб қўллаш меъёрларини кузги қаттиқ буғдойнинг биометрик кўрсаткичларига таъсири. “Агрокимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини” журнали. №2. 2023. 108-110 б.
- 2.Х.Қаршибоев. Лалмикор майдонларда экиш учун қаттиқ буғдойнинг қимматли хўжалик белгиларига эга нав ва намуналари. “Агроилм” журнали. №6(77). 2021 й. В 10-11.
- 3.С.Абдурахмонов, И.Абдуллаев, М.Атабаева, Н.Хотамова. Мақбул экиш муддати-дон ҳосили гарови // Агроилм журнали. Тошкент, 2015. -№5 (37). 32-б.
- 4.Р.Сиддиқов, С.Тешабоев «Кузги қаттиқ буғдой, республикамиз шароитига мос юқори ҳосилли «Қаҳрабо» ва «Садаф» навлари ҳақида // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2002. -№ 6. 41-42 б.